

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида энергия тежамкорлиги лойиҳаси доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида йилга 3,7 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилишга эришилди.

Айни кунларда "Максам-Чирчик"да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қарори ижроси доирасида энергия тежамкорлиги, ускуналарни техник қўриқдан ўтказиш, босқичма-босқич янгилаш ишлари давом этмоқда. 2017-2020 йилларда амалга ошириш режалаштирилган 20,4 миллион АҚШ долларини лойиҳа ишлаб чиқилган. Унга биноан цехларда технологик янгиланиш, реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилади. Бу ишлар ижроси давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Дастур талабларини бажариш бўйича тайёрланган чора-тадбирлар корхона режасида қатъий белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда корхонада карбамид, аммиак селитраси, турли кислоталар, кимёвий реагентлар сингари ўттиз беш хилдан

Бошланғич 1-бетда.

ортиқ минерал ўғит ва кимёвий маҳсулотлар ҳамда маҳаллийлаштириш дастури доирасида сульфат магний, сульфат калий, фосфомочевина маҳсулот-

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхона маҳсулотлари дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда.

– Ташқи бозорда маҳсулоти-

моқда. Турли кўргазмаларда, мисол учун, Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида фаол иштирок этиб келяпмиз. 2016 йили ўтказилган

минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ерда "Устоз-шогирд" анъанасининг яхши йўлга қўйилгани йигит-қизларнинг жамоага тез мослашиши ва иш жараёнини ўрганишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонага кейинги тўрт йилда 450, шу жумладан, ўтган йили 75 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинган.

– 2016 йили аммиак ишлаб чиқариш мажмуаси цехига чилангар-электрик бўлиб ишга жойлашдим, – дейди улардан бири Азимжон Акрамов. – Бу ерда менга юқори малакали электрик Бунёд Тўлаев устозлик қилмоқда. Ўтган вақт мобайнида у кишидан кўп нарсани ўргандим.

Корхона кадрлар бўлими тақдим этган маълумотга кўра, жорий йилда яна саксон нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланади.

Хозирги кунда "Максам-Чирчик"да иш унумдорлигини, маҳсулот сифатини янада ошириш, экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш орқали янги иш ўринлари очиш, қолаверса, ишчи-хизматчиларни мазмунли дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.



миз сифати юқори баҳоланмоқда, – дейди корхона экспорт бўлими бошлиғи Яхё Ҳусайнов. – Бу бизга катта масъулият юклайди. Шу кунларда экспорт ҳажминини янада ошириш, географиясини кенгайтириш бўйича тегишли чоралар қўрил-

шундай тадбирда Бразилия, Япония, Чили, Исроил ва бошқа давлатларга карбамид, аммиак селитраси, нитрат аммоний каби маҳсулотларимизни сотиш бўйича келишувга эришдик.

"Максам-Чирчик"да олти

«МАКСАМ-ЧИРЧИК»: МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ДАСТУРЛАРИ — АМАЛДА

лари ишлаб чиқарилмоқда.

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган "2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

– Ушбу ҳужжат доирасида режалаштирилган лойиҳалардан иккитаси жорий йилда бажарилади, – дейди "Максам-Чирчик" инновация бўлими раҳбари Руслан Абдурашидов. – Унинг биринчиси аэропорт ва автомобиль йўлларининг яхмалаб бўлишига қарши реагент ишлаб чиқариш бўлса, иккинчиси иситиш қозони, ускуналар ва қувурларни кимёвий тозалашда яхши самара берадиган нитрат карбамид (антинакипин) тайёрлаш-дир.

ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Зангиота туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан "Аёллар – инновацион ривожланиш тарафдори" лойиҳаси доирасида "Инновацион технологияларни ривожлантиришда таълим, фан ва бизнес тизимлари ўзаро алоқаларига оид долзарб масалалар" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия "Аёллар қаноти" фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар, нодавлат нотижкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани, бунинг учун яратилаётган шароитлар

уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда вилоятда 1 минг 670 дан ортиқ тадбиркор, 620 га яқин фермер хотин-қиз самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сафида янги ишланмалар, кашфиётлар устида изланаётган илмий даражага эга олимпиадалар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Семинардан кўзланган мақ-

сад ана шундай ташаббускор, янгиликка интилувчан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар яратётган инновацион ишланмаларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Дастлаб, тадбиркор ва фермер хотин-қизлар томонидан инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган, турли экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Бугун ҳамкасбларимизга янги – сабзининг "Авако", олхўрининг "Супер йор" навлари қўччаларини парвариллаш агротехникаси ҳақида маълумот бердик, – дейди Янгийўл туманидаги "Неъматжон олмалари" фермер хўжалиги раҳбари Раънохон Бобоева. – Ўзимиз ишлаб чиқарган истеъмол

маҳсулоти – "Гуруч ёрмаси"га қизиқиш билдирганлар кўп бўлди. Гўдаклар ҳам, катталар ҳам истеъмол қилса бўладиган бу маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, у хориждан келтирилган турдош маҳсулотлардан экологик тозаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, юртимизга импорт қилинган гуруч ёрмаларидан 7-8 баробар арзон.

Семинарда инновацион ишланмалар ҳам намойиш этилди. Лойиҳалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Қўллаб-қувватлашга тадбиркорлар, фермерлар қизиқиш билдириб, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш истаги борлигини айтишди.

И. АБВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

ТОЖИКИСТОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Ўзбекистоннинг миллий маҳсулотлар кўргазмаси ва бизнес-форум бўлиб ўтди. Унда 160 дан зиёд компания 1500 турдаги маҳсулотлари билан қатнашди. 20 мингдан ортиқ киши иштирок этган тадбирда умумий қиймати 50 миллион доллардан зиёд меморандум, келишув ва шартномалар имзоланди.

Анжуман

Анжуманда зангиоталик Нилуфар Одилбобоева ўзининг кўрпа-тўшак, ётоқ жамланмиси, сочлик каби маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 28 минг АҚШ долларилек

шартнома имзолашга эришди.

Бекобод шаҳрида болалар учун трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Зулфия-Бону чевар" хусусий корхонаси

раҳбари Ўғилол Мирзамуродова эса Тожикистон тадбиркорлари орасидан 2 нафар ҳамкор топди. Улар билан 12 минг АҚШ долларилек шартномаларни имзолашга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон ва Тожикистон тадбиркорлари келгусида узоқ муддатли шартномалар имзолашга келишиб олишди.

Хуришда НАЗАРОВА.

Офарин!

Халқобод кўрганидаги Янгийўл ихтисослаштирилган футбол мактаб-интернатида 2004-2005 йилларда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича "Ҳамюртлар" турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Бу галги мусобақада вилоятимизнинг қатор туманлари жамоалари билан бирга Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Қорақалпоғистон ва Қозғистондан келган футболчилар голиблик учун кул синашди.

– "Ҳамюртлар" турнири ўзбек футболли байроқдорли – "Пахтакор" таркибиде юқори даражада тўп сурган Тошкент вилояти футболчилари – Михаил Ан, Владимир Фёдоров ва Олим Аширов хотирасига



бағишлаб ташкил этилган, – дейди вилоят футбол федерацияси биринчи вице-президенти Шамил Яфаров. – Бу мусобақа бўлиб ўтган ҳолда ўзаро рақобатлашди. "Ҳамюртлар" турнири қатнашчи жамоалар сони кўпчилиги бўйича дунёдаги энг етакчи спорт анжуманлари қаторига қўшилди. Вилоятимизнинг турли шахар ва туманларидаги

йигирма саккизинчи маротаба ташкиллаштирилган ушбу болалар турнирининг йилдан йилга географияси кенгайиб, иштирокчилари сони ва нуфузи ошиб бормоқда. Бу галги турнирда 54 жамоа етти минтақага бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашди. "Ҳамюртлар" турнири қатнашчи жамоалар сони кўпчилиги бўйича дунёдаги энг етакчи спорт анжуманлари қаторига қўшилди. Вилоятимизнинг турли шахар ва туманларидаги



футбол майдонлари мезбонлик қилган гуруҳ беллашувларини юқори ўринларда якунлаган энг кучли жамоалар плей-офф баҳсларида қатнашди. Мусобақанинг чорак ва ярим финалида зафар қўчган Янгийўл ихтисослашган футбол мактаб-интернати ва "Қибрай-1" жамоалари финалда ўзаро рақобатлашди.

Ҳал қилувчи ўйинда қибрайлик футболчилардан А. Тўраев ва А. Улғумуродов мезбонлар дарвозасини ишғол қилиб, жамоасининг 2:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади. Янгийўлликларнинг ягона голи Д. Мамадалиев ҳисобига ёзилди. Шу тариқа "Қибрай-1" жамоаси "Ҳамюртлар" турнирининг бош соври-

нига эга бўлди. Учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда Олмалик болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футболчилари Тошкент вилояти терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. **Зохир ТОШҲУҲАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ҚАРС – ИККИ ҚЎЛДАН

Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очиш, улар фаолиятига ортиқча аралашувлар бўлмастлигини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ишбилармонлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар самараси ўлароқ, соҳа вакилларининг юртимиз иқтисодиётидаги улуғи янада кўпаймоқда.

Жараён

Бироқ, ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаолиятини мавжуд қонун талаблари асосида ривожлантириш ўрнига турли хил қонунбузарликларга қўл ураётган тадбиркорлар ҳамон учрамоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимиз ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида нақд пул тушумини яшириш ҳолатларини ўрганиш мақсадида ўтказилган назорат тадбирларида тадбиркорларнинг савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пул тушумини банк кассаларига топширмаслик, тўлов терминаллари ўрнатмаслик, терминал орқали устама ҳақ қўйиб сотиш ҳолатлари аниқланди.

Айни кунда маъмур ҳолатлар бўйича қонуний жазо чораси қўллаш баробарида ноқонуний тадбиркорлик харажатларини қонунга мувофиқлаштириш ва фаолиятини тўғри ташкил этишга қўмақлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Булардан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўлишдир.

Лобар АЗАМАНОВА,

вилоят давлат солиқ бoshқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ҳудудида ўтган ҳафта мобайнида 11 та ёнғин содир бўлиб, уларнинг 7 тасида уй эгаларига катта миқдорда моддий зарар етди.

Ёнғин чиқиши сабабларини таҳлил қилсак, 4 таси электр симларининг қисқа туташуви, 3 таси болалар қаровсизлиги, 4 таси оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик оқибатида юз бергани маълум бўлади.

2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ҳамда "Профилактика куни" муносабати билан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан маҳаллаларда учрашувлар ўтказилмоқда.

Хурматли фуқаролар! Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканини унутмайлик.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ ЁХБ.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишингиз мумкин.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ – ТАДБИРКОРГА МАДАД

"Тадбиркор аёл" уюшмаси ташаббуси билан Қибрай туманидаги "Баркамол авлод" марказида ўтказилган амалий семинарда 4 нафар тадбиркор аёлга имтиёзли кредитлар олиш бўйича сертификатлар топширилди.

Ангрелик Муниса Ҳасанбоева 15 миллион сўм кредит олиб, асарчиликни бошлаш арафасида. Қибрайлик Зухра Курбониезова ва Шоҳсанам Эгамбердиеваннинг ҳар иккиси ўз бизнеслари учун 7,5 миллион сўмлик кредит ҳисобига хом ашё харид қилишни режалаштирмоқда.

Феруза ТўРАЕВА.

ЗИЛОЛАНИНГ РЕЖАСИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ёриқ" маҳалласида яшовчи Зилола Аҳмедова тижорат банкидан 8 миллион сўм кредит олди. Ушбу маблағга учта тикув машинаси харид қилиб, ўз бизнесини йўлга қўйди. Ёнига икки дугонасини ишга олган Зилола айни кунда болалар ва катталар учун мавсумий кийим-бошлар тикмоқда.

Ички бозорда тайёр маҳсулотларининг олди-сотдисини бошлаган бу қизнинг режалари катта. Келажакда фаолиятини янада кенгайтириб, ётоқхона учун арзон ва сифатли кўрпа ва ёстиқлар етказиб беришни ният қилган.

Хозирги кунда "Ёриқ" маҳалласида Зилола сингари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи йигит-қизлар сони 20 нафардан ошди. Давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бу ёшлар мустақил равишда, эмин-эркин фаолият бошлагани, янги иш ўринлари яратгани, оиласи, элу юртга нафи тегаётганидан мамнун.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.

ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР

Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" танловининг туман босқичи нияҳосига етди.

Унда тумандаги касб-ҳунар коллежлари жамоалари ўзаро баҳслашди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган танловда энг юқори натижага эришган агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг "Антиқа" жамоаси голиб топилди.

Юлдахон МУХИДДИНОВА.

МАХСУС АГРОТЕХНИКА ШАРТ ЭМАС

Қишлоқ ҳўжалигининг қай даражада тараққий этиши мамлакатнинг табиий иқлим шартитига ҳам қўй хижатдан боғлиқ бўлади. Бу дегани у ёки бу экиндан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун, аввало, маҳаллий шартитда яйраб-ашнаб ўсадиган навни адашмай танлай билиш керак. Хусусан, пахтачиликда мазкур талаб, айниқса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Изланиш

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораториясида И. Қаҳҳоров ва бошқалар ҳамкорлигида яратилган "ЎзФА-703" гўза нави Фаргона водийси вилоятлари, жумладан, Тошкент вилояти давлат нави синаш шахобчаларида синовдан яхши ўтиб, серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамлилиги хижатидан


аввалдан экиб келинаётган туманлаштирилган навлар билан тенг рақобатлаша олишини кўрсатди. Мазкур хусусиятлари ҳисобга олиниб, республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг қарори билан Тошкент вилояти шартитида истиқболли нави сифатида қабул қилинди. Шундан сўнг, Оққўрган тумани Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти-

нинг тажриба даласида бирламчи уруғлик чигитни кўпайтириш учун топширилди. Ушбу нави экиладиган майдонлар йилдан-йилга кенгайтирилмоқда.

Нав муаллифларининг таъкидлашига қараганда, янги нави ҳар қандай экиш схемасига мос тушади. Махсус агротехникани танламайди. Танаси йиғик бўлгани сабабли ҳам ишлов бериш, ҳам машина терими учун қулай.

Давлат нави синаш шахобчаларидан олинган натижаларга кўра, ўртача ҳосилдорлиги 37-43 центнер. Аммо, айрим нави синаш шахобчаларида бу нави 48,4 центнергача ҳосил туққани маълумотда қайд этилган.

Абдусамат Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Фестиваль

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Бадий академияси, қатор ташкилот ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига бағишланган анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивали бўлиб ўтди.

ТАСВИРЛАРДА ҲАЁТ ИФОДАСИ

Фестиваль тадбирлари Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залидан ташқари Тошкент фотосуратлар уйи, Халқаро маданият қарвонсаройи, Камолитдин Бехзод мемориал боғ-музеи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтди.

Фестиваль жараёнида "Халқ амалий санъати - ёшлар қалбида", "Камолитдин Бехзод издошларимиз", "Ўзбекистондаги чет эл ваколатхоналари мада-

ният кунлари", "Эски шаҳар", "ART-Zamin", устоз ва шоғирд, талабалар кўргазмалари, таниқли рассомларнинг маҳорат дарслари, миллий либослар намоишлари, шунингдек, "Ўзбекистон замонавий санъати: бадий санъат талқини, ривожланиши ва тамойиллари", "Рассом ва жамият" мавзуларида конференция ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Фестиваль кунлари телемониторларда Ўзбекистон маданияти ва санъатига бағишланган фильмлар намоиш қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ИШОНЧНОМА ИШОНЧЛИ БЎЛИШИ УЧУН...

Ҳаёти давомида нотариал идоралар хизмати иши тушмайдиган фуқаро бўлмаса керак. Айниқса, ишончномаларни нотариусларнинг иштирокисиз расмийлаштириб бўлмайди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддасида ишончноманинг зарурати, расмийлаштириш ва унга амал қилиш қонун-қоидалари баён этилган.

Адлия идораларида

Нотариал фаолиятни тартибга солувчи қонунности ҳужжатлари талабидан келиб чиқиб, ишончнома тузиш ва тасдиқлашда ишончнома олаётган вақилнинг иштирок этиши шарт эмас. Аммо, у ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилди.

Нотариус бир ва бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномани расмийлаштириб бериши мумкин. Масалан, енгил автомашина эгаси уни бошқариш учун икки ёки ундан ортиқ шахсга ишончнома бериш ҳуқуқига эга.

Ишончнома узоғи билан уч йил муддатга берилади. Лекин, пенсия таъминоти билан боғлиқ ишончномалар бундан мустасно. Ишончноманинг муддати сўз билан ёзилиши лозим. Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома тузилган кундан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади. Бироқ, тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончи вақил, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда маълумотларнинг тўғрилиги учун ишончнома берувчи масъул ҳисобланади. Бу ҳақда ишончнома матнида ҳам, тасдиқловчи матнда ҳам қайд этиб қўйилади.

Ишончнома икки нусхада, баъзида манфаатдор шахсларнинг талаби билан уч нусхада ҳам ту-

зилиши мумкин. Ишончноманинг биринчи нусхаси кўпинча ишончнома олувчи шахсга берилади, иккинчи нусхаси нотариал идорада қолади ва у бу ердаги реестр китобида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Бошқа шахсга ўтказиш ҳақида берилган ишончноманинг амал қилиш муддати, Фуқаролик кодексининг 140-моддасига мувофиқ, унга асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаслиги шарт. Бундай ишончнома расмийлаштирилган вақт ва жой, асосий ишончнома берилган шахсининг ва бу шахс ўз ваколатини ишонч топшираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истиқомат жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг кўрсатиб лавозимлари мансаблиши керак.

Асосий ишончномада ўзга кишига ишонч топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилган бўлганига нотиариус бун амалга оширишга ҳақли. Асосий ишончномага ҳам ўзга кишига топширилгани қайд этилади. Унинг нусхаси нотариал идорада қолдириладиган ишончнома нусхасига тикиб қўйилади. Ишончноманинг шундан кейин бошқа шахсга ўтказилишини тасдиқлаш чоғида асосий ишончноманинг нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Бу ҳолатда асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдирилиши шарт эмас.

Дилдора ОДИЛОВА,
вилоят Адлия
бошқармаси қошмаги
нотариал архив
мудириси а.а.б.

НУТҚ, МАҲОРАТ, МУЛОҚОТ

Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида республика Маънавият тарғибот маркази томонидан чоп этилган "Маънавият тарғиботи" номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, педагоглар, маънавият тарғиботчиларидан иборат 500 дан ортиқ тингловчилар иштирок этишди.

Филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов қаламига мансуб китобда ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавият ва маърифий жараёнларни кенг жамоатчиликка етказиш-

нинг ўзига хос хижатлари ва усуллари ҳақида сўз боради.

Халқ билан мулоқот турган гапки, унинг муҳим манбаи - нутқ орқали рўйбга чиқади. Китобда таъкидланганидек, ҳар қандай маънавият тарғиботчиси ўз фикрини содда, раван, аниқ ва мантиқий тарзда еткази олиши учун нотиқлик маҳоратини

пухта ўзлаштириши зарур. Китобнинг "Гоямиз - ҳимоямиз", "Тарғибот-ташвиқотда нотиқлик санъатининг ўрни", "Нутқ маҳорати сабоқлари", "Маънавият - эзгу ният" каби бўлимларида айнан шу хижатлар ҳақида фикр юритилади.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 апрель кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. 2200 метрдан баянд ҳудудларда қор қўчиши ҳавфи бор.

ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Реклама ва эълонлар

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилает комиссияси томонидан 2017 йи 31 май соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ВХ-326 й.т. "Олмалик АШБ - Қўйлик АШБ"
2. ВХ-203 "Луб завод - Қўйлик АШБ"
3. ВХ-396 й.т. "Охангарон АШБ - Қўйлик АШБ"
4. ШИ-26 "Аранча - Ҳарбийлар шаҳарчаси" (Чирчиқ ш.)
5. ШИ-8 й.т. "ЭХП - 8-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.)
6. ВХ-583 "Нийёзбош" маҳалласи - Чилонзор ББ - Жанубий вокзал АШБ"
7. ВХ- 547 й.т. "Бўстонлик - 125 АТК бекати - "Даҳана" маҳалласи"
8. ВХ-546 й.т. "Бўстонлик - 125 АТК бекати - Академик лицей"
9. ВХ-316 "Ангрен АШБ - Тўйтепа АББ"
10. ШИ-7 й.т. "Ангрен АШБ - Қамчиқ қурилиш корхонаси" (Ангрен ш.)
11. ВХ-524 й.т. "Қибрай АШБ - Чирчиқ АББ"
12. ВХ-645 й.т. "Олмалик АББ - Ғалақудуқ ж/х"
13. ВХ-646 й.т. "Зафар АЧСБ - Бекобод АББ (Улғубек ф/у орқали)"
14. ВХ-647 й.т. "Қизил бирик кишлоғи - Олмалик АШБ"
15. ВХ-648 й.т. "Истикбол" МФЙ - Чирчиқ 8-кичик ноҳия"
16. ВХ-524 "Чирчиқ АББ - Уч қаҳрамон савдо мажмуаси"
17. ВХ-570 "Чирчиқ АББ - "Ғишт кўприк" маҳалласи"
18. ВХ-571 "Чирчиқ АББ - ТТЗ АШБ (Ширин бозори орқали)"
19. ВХ-627 й.т. "Қуёшли" маҳалласи - Вилоят кенг тармоқли шифохонаси" (такрорий)
20. ВХ-628 й.т. "Охангарон тиббиёт бирлашмаси - Охангарон шаҳар заводи" (такрорий)
21. ВХ-629 й.т. "Паркент АШБ - Чотқол кишлоғи - Чирчиқ АББ" (такрорий)
22. ВХ-631 й.т. "Қозоқовул - Охангарон АШБ" (такрорий)
23. ВХ-632 й.т. "Янгийўл МФЙ - "Сабабот" МФЙ (Унқўрган ҚФЙ орқали) - Юнусовод (Универсам)" (такрорий)
24. ВХ-633 й.т. "Соҳибкор" МФЙ (Тотувлик кўчаси) - Қибрай марказий шифохонаси" (такрорий)
25. ВХ-635 й.т. "У. Юсупов бўлими - Янгийўл дехқон бозори" (такрорий)
26. ВХ-636 й.т. "Тинчлик кишлоғи - Эркин ҚФЙ (Зангиота ХООБ орқали)" (такрорий)

27. ВХ-637 й.т. "Агро-саноат ва иқтисодиёт КХК - Суркент ҚФЙ - Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
28. ВХ-638 й.т. "Бекобод АББ - Ғалаба ф/у" (такрорий)
29. ВХ-639 й.т. "Навоий ф/у - Бекобод АББ" (такрорий)
30. ВХ-640 й.т. "Зафар АЧСБ - Бекобод АББ (232-пикет орқали)" (такрорий)
31. ВХ-643 й.т. "Дархон" маҳалласи - Тўйтепа АББ" (такрорий)
32. ВХ-256 "Зафар АЧСБ - Бекобод АББ" (такрорий)
33. ВХ-263 "Зафар АЧСБ - Бекобод АББ (232-пикет орқали)" (такрорий)
34. ВХ-266 "Бекобод АББ - Шиликор ф/у" (такрорий)
35. ВХ-355 "Навоий ф/у - Қўйлик АШБ" (такрорий)
36. ВХ-359 "Янги ҳаёт ф/у - Тошкент жанубий вокзали АШБ" (такрорий)
37. ВХ-381 "Қўйлик АШБ - Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
38. ВХ-382 "Янгибозор АШБ - Бўстон кишлоғи" (такрорий)
39. ВХ-393 "Бўқа АШБ - Саймақов ф/у" (такрорий)
40. ВХ-395 "Бўқа АШБ - Туркистон ф/у" (такрорий)
41. ВХ-397 "Олмалик АШБ - Бўқа АШБ (Қўштепа орқали)" (такрорий)
42. ВХ-400 "Бўқа АШБ - Гулистон ф/у" (такрорий)
43. ВХ-401 "Бўқа АШБ - Қашқадарё ф/у" (такрорий)
44. ВХ-403 "Бўқа АШБ - Ровот кишлоғи" (такрорий)
45. ВХ-405 "Олмалик АШБ - Қизил бирик кишлоғи" (Гулистон) МФЙ орқали" (такрорий)
46. ВХ-475 "Ғишт кўприк" маҳалласи - Шаҳристон" (такрорий)
47. ВХ-482 "Пахтакор АШБ - Келес шаҳарчаси" (такрорий)
48. ВХ-505 "Чирчиқ АББ - Оқтош кишлоғи" (такрорий)
49. ВХ-807 "Ўрмон ҳўжалиги - Туман марказий шифохонаси" (такрорий)

Тугатиш ёки банкротлик боқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабдорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга тақлиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилает комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-уй.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 279-39-22.

Яхшилар ёди

Яхши одам вафотидан сўнг ҳам анча вақт "яшаркан", унут бўлмас экан. Устозимиз Мираҳмад ака ҳақидаги хотиравларни кўп бор қозғога туширмоқчи бўлдим. Аммо, ҳар гал хонага кириб келиб: "Ҳа, мен нима қилибманки, қаламга олишингга арзиса", дейётгандек бўлаверарди. Аммо, бундан тўрт йил аввалги бир воқеа ёдга тушди-ю...

МИРАҲМАД ОТАНИНГ ДАВРОНИ

Янгилишмасам, 2013 йил март ойининг охирида эди. Ўша даврда мамлакат Бош вазир лавозимида ишлаётган Шавкат Мирзиёев сим орқали республика ижтимоий-иқтисодий соҳа вақиллари билан кенгаши ўтказётган эди. Хизмат тақозоси билан Чиноз тумани ҳокимлигидаги йиғилишда иштирок этаётгандим. Ҳукумат раҳбари республика "Нуроний" жамғармасига топширик бера туриб, сўз орасида: "Чиноз тумани "Нуроний" жамғармаси кенгаши раиси Мираҳмад Давронов-дек ватанпарвар, фойдои кексаларимиздан фойдаланиши керак", деган эди. Шавкат Мирмонович ўшанда Мираҳмад ака сиймосида юртнинг юқини елкалайдиган, қорига ярайдиган захматкаш инсонни кўргани шубҳасиз. Бундай юксак эътирофга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайдим.

Бу яхши муждани Мираҳмад акага етказишга ошдикдим. У киши пойтахтдаги шифохоналардан бирида даволанаётган эди. Ҳушхабарни эшитиб, қаттиқ таъсирланди: "Оллоҳга шукр, камтарона меҳнатим беиз кетмабди".

Мен бугун устозимнинг туман ва вилоят миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган эллик йилдан зиёд фаолиятига урғу бермоқчи эмасман. Зеро, у бунга муҳтож эмас. Қаерда ишласин, ўзига хос

нуқтаи назари ва этиқоидида собитлиги туфайли одамлар меҳрини қозongan.

2011 йилда туман фахрийларини қўллаш қувватлаш "Нуроний" жамғармаси кенгаши раҳбар бўлганидан сўнг мазкур жамоат ташкилоти фаолиятида сезиларли жонлаш юз берди. Мираҳмад ака шунчаки ишламасди, балки ишга ўзини бутунлай бағишларди. Бирор кун йўқ эдики, уруш қатнашчиси ёки фронт орти меҳнат фахрийсини йўқламасин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила-ларни ҳам унутмай, вақти-вақти билан йўқлаб, кўнгилларини қўтариб турарди.

Мен Мираҳмад ака билан бирга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг уйларига кўп борганман. Устоз уларни нафақат Хотир ва Қадрлаш кўни, балки йил давомида йўқлашни қанда қилмасди. Ҳеч қачон уларнинг ҳузурига қуруқ қўл билан бормаган. Албатта, имкон топиб, совға-салом билан кўнгилларини хушлад эган.

Тумандаги уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар йили уч-тўрт марта республикаимизнинг муқаддас қадамжоларига зиёратга олиб борарди. Унинг ташаббуси билан Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий, Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд, Тошкент вилоятидаги Зангиота, қўшни Қозогистон Республикасидаги Аҳмад Яссавий



мақбараларини зиёрат қилиш чинозлик кўллаб қарияларга насиб этган.

Падари бузрукворим ҳеч тиниб-тинчимасдилар, - дея хотирлайди ўғли Фарҳод. - Ғайратлари ичларига сиймасди. "Нуроний" жамғармасида беш йил жамоатчилик асосида ишлаб, бирор марта нолиганларини эшитмаганман. Кейинги пайтда соғлиқлари тез-тез панд берадиган бўлиб қолди. Лекин даволашни ортага суриб, ўзларини аямай ишладилар...

Кўп йиллар Чиноз тумани қозоқ миллий маданий марказига раҳбарлик қилган, ажайиб инсон Эсжон Эрҳўжаевнинг 75 йиллик таваллуд маросимидан қайтар эканмиз, Мираҳмад акага шундай деганим ёдидим: - Ака, сизнинг 75 йиллик тантанангизни ҳам матбуотда ёритишни ният қилдим.

Афсуски, тақдирнинг ҳукми ўзгача бўлди. У киши ҳаёт бўлганида ҳадемай 75 ёшга қаршиларди. Мен бир шоғирд сифатида ишонч билан айта оламки, хоксор ва жафокаш инсон Мираҳмад ака ҳўзир, ораимизда бўлмаса ҳам, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишлари тисмолида ҳануз барҳаёт.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

Диққат, танлов!
Ҳўрматли ёшлар, мактаб, коллеж ва лицей битирувчилари!

"Ўзбекистон почтаси" Акциядорлик жамияти жорий 2017 йилда ўз ўқув юртларини муваффақиятли битирган ёшлар учун устоз мураббийлар ва синфдошларини табрик этиш мавзусидаги оқритқалар чиқаришни режалаштирган. Шу муносабат билан Сиз, азиз ёшлар, ўз иқтидорингизни ишга солиб, ушбу мавзудаги табрик оқритқалари дизайнини яратишда иштирок этишингиз мумкин.

Сизнинг ижод маҳсулингиз минглаб тиражларда тайёрланиб, юртимиз бўйлаб тарқатилади ва табиийки, дизайн сифатида исми шарифингиз оқритқаларда қайд этилади. Агар ёлиб бўлсангиз, "Ўзбекистон почтаси" Акциядорлик жамияти томонидан моддий мукофотланасиз ва келажақда янги лойиҳалар билан ишлаш имкониятини қўлга киритасиз.

Шошилинг! Имкониятдан фойдаланиб, ўз ижод маҳсулингизни юртимиз ва дунё бўйлаб тарқатинг.

Лойиҳаларни marketing@post.uz электрон манзилига исми шарифингиз ва боғлиш учун телефон рақамларингизни белгиланган ҳолда юборинг.

Танлов бўйича лойиҳалар 2017 йил 10 майгача қабул қилинади. Шунингдек, бошқа мавзуларда ҳам ўз тақлифларингизни беришингиз мумкин. Мавзулар рўйхати сиз кўрсатган электрон манзилга юборилади.

Мурожаат учун
тел.: (0371) 232-10-09
ёки marketing@post.uz

"Қашқадарё улғуржи савдо инвест" МЧЖ МСМТ ва FK жамоаси "ZAHIRA INVEST" МЧЖ раҳбари, меҳнат фахрийси Абдусамат Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

САНТАЛАТ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Марказ савдо инвест" МЧЖ МСМТ ва FK жамоаси "ZAHIRA INVEST" МЧЖ раҳбари, меҳнат фахрийси Абдусамат Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

САНТАЛАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ»

Вилоятимиз бўйлаб шундай шиор остида халқ билан мулоқотлар – адабий-бадий учрашув ва тарғибот тадбирлари бошланди



«Икки дунё айрилмасмиз қучоғидан...»

Меҳмонлар ўтирган автобус туман марказига кириб бориши билан қадим удуларга кўра, нон-туз билан пeshвоз чиқаётган мезбонларнинг жўшқин кайфияти, жайдари, дангал феъл-атвори ажиб бир ёруғлик улашди. Шу тариқа тарғибот тадбирлари дилкаш гурунларга улашиб кетди. Ўзбекистон халқ артистлари Гавҳар Зокирова, Малика Иброҳимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Асалхўжаева, Раъно Шодиева, «Нихол» давлат мукофоти совриндори Алишер Рўзметов, эстрада хонандаси Рухшона, актёрлар Наргиза Абдуллаева, Улугбек Юнусов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Адиба Умирова, Ойдинисо, Гўзал Бегим сингари эл-юрт назааридаги инсонлардан иборат тарғиботчилар шу кунги гурунларга бўлиниб, ҳудуддаги 12 та муассасада ташкил қилинган учрашуларда иштирок этишди.

Тумандаги 5-умумтаълим мактабидан. Санъаткорлар ашула айтиб, дилга яқин шеърлар ўқиб, соз суҳбатлар ўтказиб турган паллада сураткаш билан мактабни айланиб чиқамиз. Бир минг бир юз ўқувчи мўлжалланган таълим маскани, аввало, саранжом-саришталиги, ён-атрофининг кўкаламзорлиги билан ажралиб турибди. Асосий бинонинг орқа томонида болалар футбол майдонида жисмоний тарбия ўқитувчиси билан сабоқларни бошлаб юборишган. Разм солсангиз, уларнинг кўзларидан ўт чакнади, шижоати бошқача...

Мактаб кутубхонасига ошпаётган уч болаканинг суҳбати эътиборимизни тортади. Маълум бўлишича, улар ўқиб бўлган бадий китобларни қайтариш учун одимлаётган экан. Уларга кўшилиб, кутубхонага кирамиз. Кутубхона мудираси Комила Ҳамроқуллова болажонларнинг елкасига қоқиб алқайган, «Балли, азаматлар!» дея суяб турганининг устидан чиқамиз. Энг қизиғи, «Камолот» ЕИХ туман кенгаши раиси Рустам Абдуназаров болажонларни кутиб

олиб, улар билан астойдил суҳбатлашаркан, кутубхонага биринчи бўлиб келган ўқувчи билан танишиш учун атай пойлаб турганини айтди. Кейинги сафар уларга атаб махсус китоблар олиб келишга ваъда берди. Сўнгра икки авлод – ўттиз ёшнинг оstonасида турган «камолот»чи ҳамда биринчи синф ўқувчилари Омон, Асқар, Холиданинг бола тилидаги чучук суҳбати бошланди...

Шундай қилиб, Омонжон ва унинг китобсевар дўстларини қарийб 4 минг 800 донга китоб фондига эга кутубхона-



да қолдириб, яна даврага қайтамиз. Дилкаш гурунлар давом этади. Гоҳ меҳмонлар, гоҳ мезбонлар санъат ботида маҳоратларини кўрсатар, айниқса, мактаб бадий ҳаваскорлик жамоасининг чиқишлари профессионал ижрочиларни-да ҳайратга чулғар эди. Ҳайрат ва ҳаяжон тўла кўзлар юрт иши билан масрур турганда шоира Адиба Умирова завққа тўлиб, ўктам овоз билан, оламни шавққа тўлдириб, Ватан ҳақида шеър ўқийди:

Садо келар ўтли виждон китобидан,
Хар кимса ўз ерида хон бегумон.
Хўрлик йўқтир ўзгаларнинг итотидан,
Қиёсини тополмассан ҳеч бир замон.

Бошидан зар сочсалар ҳам қайрилмагин,
Худо берган маконингдан айрилмагин.
Нур таралар мўрқонию ўчоғидан,
Икки дунё айрилмагин қучоғидан...



Дилкаш инсонлар даврасида

«Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз». Ана шундай эзгу мақсад моҳиятига йўналтирилган шундай тадбирлар вилоятимизнинг сўлим гўшаларидан бири Ангрен шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Пурвиқор тоғлар орасида, ям-яшил дов-дарахтли бог-роғларга бурканган гўзал маскан томон йўл олган таниқли шоир, ёзувчилар, олимлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари юз-кўзида мамнунлик ифодалари.



– Ангренга кўп бора келганман, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов. – Қаранг, ҳавосининг тозаллиги, тоғларининг гўзаллигини. Булардан баҳраманд бўлиб яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, очикқўнглигини айтмайсизми? – Мен ҳам бу шаҳарни, унинг софдил инсонларини жуда яхши кўраман, – дейди Ўзбекистон халқ артисти, ҳамisha ўзи яратган «чеч» сиймоси билан гурур, ифтихор этадиган Азиза Бегматова.

Дарҳақиқат, ангрениклар шаҳар ҳоқими бошчилигида азиз меҳмонларни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Бир фурсат дилдан суҳбатлашилган, мактаб, коллеж, лицей, маданият саройларида учрашулар давом этди. Дастлаб, шаҳардаги 5-, сўнгра 7-, 29-, 18-умумтаълим мактаблари, Ангрен касб-хунар ва тиббиёт коллежлари, яқинда «Дукент» маданият са-

ройида ўтказилган самимий суҳбатлар, завқ-шавққа тўла концерт дастурлари одамларга олам-олам қувонч улашди.

Таниқли шоирлар Темур Убайдулло, Нуриддин Аминжонов, Арслонбек Карим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Мунаввара Абдуллаева, Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров, иқтидорли ёш актёрлар Толибжон Мўминов, Шаҳзода Матчонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев, хонанда Дилдора Олимжоннова, «Уммон» гуруҳи санъаткорларининг ҳар бир чиқишлари, сермазун фикр-мулоҳазалари, самимий тилаклари ангреникларга беқиёс шодлик бағишлади, унутилмас онларни ҳаёда этди. Айниқса, миллий урф-одат, анъаналаримизни ўзида акс эттирган чеч образининг моҳир ижроси Азиза Бегматованинг чиқишлари қайта-қайта олқишлар билан кутиб олинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ходимлари тадбирнинг уюшқонлиги билан, юқори даражада ўтишига астойдил ҳаракат қилишди. Шу кунги ўтказилган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» номли танлов ғолибларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари севишли шоир, ёзувчилар, санъаткорлар томонидан топширилиши ҳам ёшларга улуг ватанпарварлик, фахр-ифтихор туйғулари бахш этди.

– Бугун мен учун қўшалоқ байрам бўлди, – дейди тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилшоода Абдумаликова. – Ёшлар ўртасида ўтказилаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» кўрик-танловининг шаҳар миқёсида ғолибликни кўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олдим. Коллежимизга севишли шоир, ёзувчи ва санъаткорларимизнинг келиши, улар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш бахти кўнглимни тоғдек кўтарди. Келажақда устозларим, ота-онам, Ватанимга муносиб фарзанд бўлишга аҳд қилганман.

Спорт хабарлари

БЕКОБОД ЎҒЛОНИ АМЕРИКАЛИК РАҚИБИНИ НОКАУТ ҚИЛДИ

Бокс бўйича Рио Олимпиадаси чемпиони – бекободлик Фазлиддин Ғойбназаров профессионал рингда дебют учрашувини ўтказди.

АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган жангда Фазлиддин Ғойбназаров профессионал рингда етти маротаба ғалаба қозongan америкалик боксчи Виктор Васкес билан куч синашди.

Саккиз раундга мўлжалланган рейтинг жангининг иккинчи раундида Фазлиддин америкалик рақибини кучли зарба билан нокаутга учратди ва дастлабки ғалабасини нишонлади. – Биринчи учрашувда бир оз ҳаяжон бўлди, лекин жангда нокаут билан ғалаба қозонганимдан мамнунман, – деди Фазлиддин. – Профессионал боксга аниқ мақсадларни кўзлаб ўтдим. Жаҳон чемпионлигини кўлга киритиб, мени қўллаб-қувватлаб турган устозларим ва мухлисларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

25 ёшли Фазлиддин Ғойбназаров бир неча йиллар давомида ҳаваскор боксчилар ўртасида Ўзбекистон тарма жамоаси таркибиде мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Бекободлик чарм қўлқоп устаси ҳаваскорлар ўртасида барча нуфузли мусобақалар шохсупасига кўтарилди. 2015 йилда Жаҳон ва Осиё чемпионатларида кумуш медалга сазовор бўлди. Ўтган йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимизга олтин медал тақдим этди.

Ўз вазн тоифасида дунёнинг энг кучли боксчиларидан бири сифатида тан олинган Фазлиддин энди фаолиятини профессионал рингда давом эттиради.

«ОЛМАЛИҚ» – УЧ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ!

Футзал бўйича Ўзбекистон XXI чемпионати «Олмалиқ» жамоаси ғалабаси билан якунланди.

Олий лиганинг олтин медаллари учун ўтказилган финал ўйинларида олмалиқлик чарм тўп устаслари мамлакатимизнинг энг машҳур жамоаси – «Арду» билан рақобатлашди.

Ўзбекистон чемпионати қоидаасига кўра, финал ўйини ҳам жамоалардан бирининг икки ғалабасига давом этди.

Пойтахтдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси мезбонлик қилган финал учрашувларининг дастлабкисида «Олмалиқ» футболчилари Сирожиддин Маҳмудовнинг иккита, Константин Свиридов ва Артур Юнусовнинг биттадан голи эвазига 4:2 ҳисобида зафар қучди.

Иккинчи ўйинда «Арду» вакиллари жамоа-

мизга жиддий қаршилиқ кўрсатиши кутилганди. Бироқ, амалда бундай бўлмади. Аксинча, «Олмалиқ» яна ҳужумкорликни оширди ва рақиб дарвозасини олти маротаба ишғол қилди. Учрашувда Константин Свиридов иккита, Дилшод Ирсалиев, Сарвар Шоаҳмедов, Жавлон Аноров, Фарҳод Абдумавлонов биттадан гол урди.

Шу тариқа, «Олмалиқ» кетма-кет учинчи маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. Бундан ташқари, олмалиқликлар бу мавсумда Ўзбекистон кубогини ҳам кўлга киритди. «Олмалиқ» ҳар икки нуфузли мусобақада ғолиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг кучли жамоаси эканини исботлади.

БАРАКАЛЛА, ШОҲРУҲ ПОЛВОНИ!

Самарқанд шаҳрида 1998-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида вилоятимиз полволлари битта олтин, иккитадан кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг энг кескин ва муросасиз учрашуви ўта оғир вазн тоифасининг финалида кузатилди. Вазни юз килограммдан ортиқ бўлган полволлар даҳсида вилоятимиз дзюдоchиси Шохруҳ Тўраев мезбонлар вакили Бекназар Тўрақуллов билан бел олишди. Хал қилувчи беллашувда зафар қучган Шохруҳ полвон мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди.

Ўз вазн тоифасида муваффақиятли қатнашган вилоятимиз полвон-

ларидан Шаҳзодбек Ғайратов ва Муроджон Муродов кумуш, Обиджон Нўмонов ва Дониёр Турғунбоев бронза медалга лойиқ топилди.

Ўзбекистон чемпионатида маҳоратини намойиш этиб, совринли ўринларни эгаллаган дзюдочилар жорий мавсумда халқаро миқёсда ташкил этилаётган мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Зоҳир ТОШХҲАЕВ тайёрлади.

Ёшлар буюк истиқболга ишонади

Кўҳна Илоқ водийсида яшаётган олмалиқликлар ҳам ана шундай тадбирлардан олам-олам завқ олишди. Боси, уларнинг ҳузурига пойтахтдан бир гуруҳ маънавият тарғиботчилари – спортчилар, мусика ва санъат намояндаси, актёрлар, олимлар ташриф буюришди.

Ўзаро самимий мулоқот, давра суҳбати тарзида ўтган учрашуларда академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари, маҳалла фаоллари, устозлар иштирок этди.

– Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб тарбия топишида бундай тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта, – дейди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. – Энг муҳими, суҳбатларда одамларни ислохотлар моҳиятига янада яқинлаштириш, умумийлиги ҳаракатларга жипс-лаштириш, орзу-мақсадлари йўлида мардондор меҳнат қилишларига иштиёқ, рағбат уйғонади.

Шаҳардаги умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган учрашуларда ана шу моҳият, ҳулоаса барча фикр-мулоҳазаларнинг асоси, ўзаги бўлди, дейиш мумкин.



Шодиёна давом этади

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида айни кунларда ана шу улкан лойиҳанинг – «Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз» гоёси негизда ўтаётган тарғибот тадбирларининг кўтаринки шуқуқи кезиб юрибди. Олимларнинг қиёсларига, ўтмиш ва бугуннинг чоррахасида туриб айтган сўзларию ўғитларига, санъаткорларнинг хуш навосига, актёрларнинг гўзал ижроларига қоришқ тарзда кечаётган давра суҳбатлари ёшларнинг кўксига барқ ураётган ватанпарварлик, эл-юртга муҳаббат туйғулари юш урдириб, азим қарвон билан биргаликда илдам ҳаракат қилишга чорламоқда.

Тарғибот тадбирларининг дастлабки таассуротлари ана шундай ҳулосалар беради.

Сайёра РИХСИЕВА, Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

М. ХИММАТОВ, Қ. ҒОҒУРОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маълумоти:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида терилиб ва Т. Маҳмуджонов томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Бехзод ҚОБУЛОВ
Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХҲАЕВ
Назоратчи мусаввир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА